

Покистоннинг 4 та вилоятида аҳолининг Қуръон ўқиш салоҳияти ўрганилди



16:40 / 19.12.2018 2207

Тадқиқот “Жийлоний вақфи” томонидан мамлакатнинг тўртта вилоятида, аёл ва эркеклар орасида олиб борилди, деб хабар беради IQNA. Ўрганишдан мақсад, оилаларда Қуръони каримни ўқишни билмайдиган катта ёшдагиларни аниқлашдан иборат. Маълум бўйича, ўтказилган сўровлар натижасида 47% киши ижобий ва 42% салбий жавоб берган, қолган 11% одам эса ё билмаган ёки жавоб беришни хоҳламаган. Шундан келиб чиқиб, тадқиқот ўтказувчилар Покистондаги оилаларнинг қарийб тенг ярмида Қуръони каримни ўқишни билмайдиган катта ёшдаги фуқаролар бор, деган хулосага келган.

Islom.uz портали таҳририяти